



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
ИНСТИТУТИ



Академик И.Х. Иргашев таваллудининг
80 йиллигига бағишланган

**ВЕТЕРИНАРИЯ ҲАМДА ЧОРВАЧИЛИК
ИЛМИ ВА АМАЛИЁТИНИНГ
ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАРИ**

мавзусидаги илмий – амалий анжуман
(2013 йил 6 декабрь)

Самарқанд-2013

Ахмедов С., Кулиев Б.А., Таштемиров Р.М. Отлардаги бўғим касалликларини даволашда улардаги клиник-морфологик ўзгаришлар.....	65
Қурбонов Ф., Нарзиев Б.Д. Даббаларни даволашда аллопластик материалларни қўллаш.....	67
Кучаева Н.М., Таштемиров Р.М. Суяк синишларида ит қонининг морфологик кўрсаткичлари.....	69
Мелибоев Н.К., Таштемиров Р.М. Доривор ўсимликларнинг итлардаги жарроҳатлар кечишига таъсири.....	71
Салимов Х.С., Маматова М.Н., Зубайдов Ф.Ф., Набиева Н.А. Донадор антирабик вакцинани амалиётга жорий қилиш натижалари.....	73
Рахмонова Г.Ш., Каримов М.Г. Итларда катарал стоматитни учраш даражаси ва уни клиник белгилари.....	76
Расулов Ў.И. Полиамидин-п препаратининг пироплазмоздан профилактика қилишдаги самарадорлиги.....	78
Яхшиева С., Ниёзов Х.Б. Бузокларда кератоконъюнктивитларни даволашни такомиллаштириш.....	80
Тугалов Б.А., Ахтамов С.Б. Влияние температурного режима на организм телят. Inatov S., Shapulatova Z.J. Qorason kasalligini laboratoriya diagnostikasi.....	83
Қамбаров А.А., Алиев Д.Д., Ҳолиқов С.Ф. Қўзиларда колибактериозга вакцинация ўтказишдан олдин ҳамда ўтказишдан кейин глюкокортикоидлар динамикаси ва иммунфаоллик даражаси.....	84
Shapulatova Z.J. Salmonellyozning laboratoriya diagnozi.....	86
Алиев Д.Д., Қамбаров А.А., Ҳолиқов С.Ф. Турли хил серпушгликдаги қоракул қўйлар қонидаги нуклеин кислоталарни ўзгарувчанлиги.....	89
Ruziqulova U., Shapulatova Z.J. Kavshovchi hayvonlar pasterellyozining diagnostikasi.....	91
Салимов Х.С., Қамбаров А.А., Ҳолиқов С.Ф. Паррандалар салмонеллез касаллигини даволаш ва профилактик тадбирлари.....	94
Равшанова Ф., Эшимов Д. Витаминли премиксларнинг ёш жўжалар физиологик ҳолатларига ҳамда товукларнинг тухум маҳсулдорлигига ва сифатига таъсири....	95
Куддашев О.У., Муртазин Б.Ф. Сигирларнинг жинсий фаолиятини кучайтириш омиллари.....	99
Ачилов О., Хотамов Т., Фармонов Н.О. Қорамолларда оёқ бўғимлари йирингли яллиғланишлари этиопатогенезининг айрим хусусиятлари.....	102
Норбоев Қ.Н., Эшбуриев С.Б., Бобоев О. Сигирларда иккиламчи остеодистрофияни олдини олиш ва уларда маҳсулдорликни ошириш чоралари...	103
Ниёзов Х.Б., Давлатов Н.Ш., Фаттоев Х.Ж. Спорт отларда оёқ бўғимларининг сурункали асептик яллиғланишларини даволаш ва уларнинг морфо-биокимёвий кўрсаткичлари.....	105
Рахмонов Ў., Жўраева С., Ниёзов Х.Б. Итларда стромал кератитлар, этиологияси ва уларни даволашни такомиллаштириш.....	108
Рузиев А., Исаев М.Т., Фоттаев Х. Итларда отитларни даволаш.....	110
Сапаров А., Жўраев Д., Жўраева И. Отларда сакраш бўғимларининг сурункали асептик яллиғланишларини даволаш.....	112
Хамидов М., Буриев А., Дилмуродов Н.Б. Қорамолларда туёқ касалликларини даволаш ва уларни клиник белгилари.....	114
Рузиев Ш.М., Тугалов Б.А., Кувондиқов С.Х. Зоотехнологические аспекты фермерских хозяйств в зоне Кызылкумов.....	117
	120

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ИТЛАРДАГИ ЖАРРОХАТЛАР КЕЧИШИГА ТАЪСИРИ.

Н.Мелибоев, магистр; Р.М. Таштемиров, доцент.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.

Мавзунинг долзарблиги.

Ҳайвонлардаги мавжуд патологиялар орасида ички юқумсиз касалликларидан кейин етакчи ўринлардан бирини жаррохлик касалликлар эгаллайди улар барча юқумсиз касалликларининг 50-60% ни ташкил қилади. (К.И.Шакалов ва бошқ., 1986; А.Д.Белов, М.В.Плахотин, Б.А. Башкиров ва бошқ., 1990)

Т.Т. Бициев (2012) тақидлашича 1422 касал итлар текширилганда 614 тасида жаррохлик касалликлари топилди, шулардан 291 жароҳатларга (47%), тўғри келади.

А.В. Сапожников (2006) бўйича оптимал ва патогенетик асосланган даволаш йўллари топиш, токсик – аллергия ҳолатларни ривожланишига олиб келадиган медикаментозли терапия хажмини қисқартириш ветеринариянинг актуал муаммоси бўлиб қолмоқда. Бунинг учун умумий ва маҳаллий интоксикацияни пасайтирувчи усулларни қўллаш, организмнинг химоя кучларини ошириш ва организмнинг адаптацион – мослашув қобилиятини кучайтириш лозим.

Бундай вазифаларни тиббиёт ва ветеринарияда қадимдан қўлланиб келган каланхоэ, зубтурум, оддий қарағай, арча, ачитки ўт, элеутерококк, саримсоқ пиёз, анис, қоқи, базилик, календула каби доривор ўсимликлар бажариб келган. Ўсимликлар пояси, барги, уруғи, томири ва бошқа қисмларидан тайёрланган йиғмалар ёрдамида қон оқшини тўхтатиш, жароҳатларда ривожланадиган яллиғланишни ва инфекция ривожланишини олдини олиш, жароҳат битишини тезлаштириши мумкин (А.Н. Алефиров, 2002; Липин Санин, 2008; А.Б. Смирнов, 2010; <http://www.reddogfoto.ru/pitomnik>; <http://beautyinfo.com.ua/m0c2i691.html>; <http://www.travolekar.ru/articles/pract/wund.htm>; <http://malva.ucoz.ru/forum/14-1171-1>; <http://plantsplanet.org/blogs/medicatives>; <http://doktor.uel.su/ar2/articles/default.htm>; http://www.callisia.org/cistotel_dir/).

Ҳайвонларни даволашда нафақат ўсимликларнинг ўзи, балки улардан тайёрланган препаратлар ҳам кенг қўлланади. Масалан, арникадан – “Траумель” малҳами, зверобойдан – “Иманин” (Новоиманин) препарати, каланхоэдан – комбинациялашган препарат Каланхин, чага номли оқ қайин замбуруғидан “Ранион” препарати ишлаб чиқилган (А.Н.Алефиров, 2002; И. С. Раксина, 2012, <http://plantsplanet.org/blogs/medicatives>).

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, биз Самарқанд шаҳри ва вилоятида итлар орасида жарроҳатларнинг тарқалиши, уларни фитопрепаратлар билан даволашни ўрганишни қарор қилдик.

Тадқиқот манбаи ва услубиёти.

Итлардаги жароҳатларни ўсимлик препаратлари билан даволаш самарасини аниқлаш мақсадида биз Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармакология кафедраси клиникасига келтирилган 10 бош касал итларни 5 бошдан тажриба ва назорат гуруҳларига ажратдик.

Назорат гуруҳдаги итлар жароҳатлари медикаментозли воситалар (Левомеколь малҳами) билан даволанди.

Тажриба гуруҳидаги итлар жароҳатларни даволаш учун Каланхоэ ўсимлигидан тайёрланган малҳам қўлланди. Тажрибалар ўтказиш жараёнида касалланган итлар қонининг морфологик текширишларини амалга оширдик.

Тадқиқот натижалари.

Биринчи кундан иккала гуруҳлардаги ҳайвонларнинг жароҳатланган тўқималарида яллиғланиш белгилари – шиш, гиперемия, оғриқ, томирли ўзгариш босқичи бошланиши ривожланди. Маҳаллий ва умумий ҳароратлар кўтарилди, пульс ва нафас олиш тезлашди. Учинчи кунга бориб, иккала гуруҳларда ҳам жароҳатдаги ўлган тўқималар эриб, йирингли экссудат тўплана бошлади. 6–кунда назорат гуруҳида кулранг – пуштиранг суюқ экссудат, тажриба гуруҳида эса кам миқдорда қуюқ оқиш рангда экссудатнинг ажралиши кузатилди. 6–кунда назорат ва тажриба гуруҳлардаги ҳайвонларнинг ҳарорати пасайди, пульс ва нафас олиш секинлашди. Даволашнинг 12–кунига бориб, жароҳатнинг иккиламчи некрози натижасида назорат гуруҳидаги ҳайвонларда тана ҳарорати кескин кўтарилди. Клиник кўрсаткичларнинг тикланиши жароҳатланган ҳайвонларнинг назорат гуруҳида 15–кунда, тажриба гуруҳида эса 6–кунда кузатилди.

Жароҳат юзасининг йирингли – некротик массалардан тозаланиши назорат гуруҳида $12,40 \pm 0,95$ кунда, тажриба гуруҳида $8,20 \pm 0,20$ кунда намоён бўлди. Назорат гуруҳида яллиғланиш шиши $12,0 \pm 0,87$ кунда, тажриба гуруҳида эса $8,40 \pm 0,24$ кунда пасайди.

9–кунга бориб, иккала гуруҳлардаги ҳайвонлар жароҳатларида грануляциялар пайдо бўлди, аммо ҳар бир гуруҳида уларнинг хоссалари ҳар хил эди. Назорат гуруҳида етилиб келаётган грануляцияларнинг қавати бир текисда бўлмади, доначалари йирик, тарқоқ ва шишган эди, тажриба гуруҳида эса қонга бой, тўлишган, майда донадор грануляциялар ривожланди. Жароҳат нуқсонининг бир текисда тўлиши назорат гуруҳида $20,40 \pm 0,52$ кунда тажриба гуруҳида эса $17,80 \pm 0,44$ кунда кузатилди.

Кейинги кунларда жароҳатларнинг аста – секин ёпилиши кузатилди. Назорат гуруҳида жароҳатлар $36,60 \pm 1,11$ кунларда, тажриба гуруҳида $30,00 \pm 0,44$ кунларда тўлиқ ёпилди.

Хулосалар.

1. Тажриба гуруҳидаги ҳайвонларда регенерация жадалроқ кечди.
2. Каланхоэ малҳамини қўллаш жароҳатларни даволаш вақтини 5–6 кунларга қисқартиради.

3. Жароҳатларни Каланхоэ малҳами билан даволаш медикаментозли воситалар билан даволашдан арзон бўлади ва асоратлар кузатилмайди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Алефиров А.Н. [Царь-зелье Аконит](#) "Весъ", Санкт-Петербург, 2002
2. Белов А.Д., Плахотин М.В., Башкиров Б.А. и др. Общая ветеринарная хирургия. М. Агропромиздат, 1990
3. Бициев Т.Т. Комплексная терапия случайных инфицированных ран у животных. автор. дисс. на соискание учёной степени кандидата ветеринарных наук. Санкт-Петербург – 2012
4. Липин Санин. Фитотерапия в ветеринарии. © «Ветсправочник». 2008
5. Раксина И. С. Эффективность применения препарата «ранинон» при лечении гнойных кожно-мышечных ран у животных. Автореферат дисс. на соискание учёной степени к. в. н. Санкт – Петербург – 2012
6. Сапожников, А.В. Лечение инфицированных кожно-мышечных ран у собак светодиодным излучением красного диапазона: экспериментальное клиническое исследование. Автореферат диссертации к.в.н., Ульяновск, 2006
7. Смирнов А.Б. О лечении заболеваний, вызванных стафилококковой и стрептококковой инфекцией. Москва. 2010
8. Шакалов К.И., Башкиров В.А., Калашник И.А. и др., Частная ветеринарная хирургия. М.; Агропромиздат. 1986.
9. <http://www.reddogfoto.ru/ru/pitomnik/articles/detail.php?sid=50&id=599>
10. <http://beautyinfo.com.ua/m0c2i691.html>,
11. <http://malva.ucoz.ru/forum/14-1171-1>
12. <http://www.travolekar.ru/articles/pract/wund.htm>
13. <http://doktor.uel.su/ar2/articles/default.htm>
14. <http://plantsplanet.org/blogs/medicatives>
15. http://www.callisia.org/cistotel_dir/